



КЛАССИК МАТНЛАР МАЪНО ТАРЖИМАСИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Мухидин Нуруллаев

ORIENTAL университети

Шарқ тиллари кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: мазкур мақола араб тилидаги классик матнлар, хусусан Қуръони карим ва уни таржима қилиш талаблари ҳақидадир. Унда матнни бошқа тилдаги маъно таржимасини амалга оширишда аҳамият бериладиган жиҳатлар ҳақида ҳам сўз боради. Шунингдек, таржима унинг турлари хусусида фундаментал маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: классик матн, таржима, таржимон, маъно, араб тили, ўзбек тили

Аннотация: данная статья посвящена классическим текстам на арабском языке, в частности Священному Корану, и требованиям к его переводу. Также говорится об аспектах, которые важны при переводе смысла текста на другой язык. Также дана основная информация о переводе и его видах.

Ключевые слова: классический текст, перевод, переводчик, смысл, арабский язык, узбекский язык.

Abstract: This article is devoted to classical texts in Arabic, in particular the Holy Quran, and the requirements for its translation. It also talks about aspects that are important



when translating the meaning of the text into another language. It also provides basic information about translation and its types.

Key words: classical text, translation, translator, meaning, Arabic, Uzbek.

Классик матнлар, хусусан Қуръони карим ва уни таржима қилиш талаблари ҳақида маълумот келтиришдан олдин тадқиқотимиз асосан таржима соҳасига тегишли бўлганлиги учун “таржима” сўзининг келиб чиқиши ва унинг маънолари, ҳамда “Мулк” сураси ҳақида бироз маълумот келтириб ўтсак.

“Мўътабар луғатлардан бири “Ғиёсул-луғат” (XIX аср бошида тузилган) муаллифи Ғиёсиддин Муҳаммаднинг ўзидан олдин яратилган бир қанча манбаларга суяниб берган маълумотларига кўра, таржима “таржимон” сўзидан ҳосил бўлган, таржимон эса, ўз навбатида форсча “тарзабон” сўзидан келиб чиққан.”¹

“Таржима сўзи ҳозир, асосан, бир маънода, яъни муайян бир тилда оғзаки ёки ёзма равишда баён қилинган фикрни бошқа тил воситалари билан қайта ифодалашни англатади. Қадим замонларда эса унинг бундан бошқа яна бир қанча маънолари бўлган.”²

Энди “таржима” деган сўзга араб тили жиҳатидан ҳам ёндашиб кўрсак. Чунки, ўрганиб чиқмоқчи бўлган мавзуимиз Қуръони карим сураларидан биридир. Аллоҳ таолонинг муқаддас каломини бошқа бир тилга таржима қилишда араб тилини яхши биладиган олимларнинг фикрлари билан ҳамда аввалги ўтган буюк диний олимларнинг ҳам бу тўғрида ёзиб қолдирган маълумотларидан ҳам яхшигина хабардор бўлиш лозимдир. Бундай маълумотлардан бироз бўлса-да хабардор бўлиш

¹ Нажмиддин Комилов. Таржима санъати. 3-китоб. “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат” нашриёти. Тошкент, 1976.– Б. 55-56.

² Нажмиддин Комилов. Таржима санъати. 3-китоб. – Б. 55.



учун биз Ал-Азҳар Аш-Шариф уламоларидан бири шайх Ҳасан Муҳаммад Айюбнинг “Ал-Ҳадис фий улумил Қуръан вал-Ҳадис” (Қуръон ва ҳадис илмлари тўғрисида сўз) китобига мурожаат қиламиз.

Унда қуйидагича келтирилади:

“ “Таржима” сўзи луғавий жиҳатдан:

“Таржима” сўзи тўртта маънодан бирига далолат қилади. Биринчиси, бирор-бир гапни ҳали эшитмаган, етиб бормаган кишига етказиш”. Мисол сифатида:

قَدْ أَحْوَجْتُ سَمْعِي إِلَى تَرْجَمَانِ

إِنِ الثَّمَانِينَ - وَبَلَّغَتْهَا

“Худо сени саксон ёшга етказди. Менга хабар беришингни истайман.”

мисраларини келтиради ва бу байтда келган ترجمان сўзи “хабар етказиш” маъносида келгандир.

Иккинчиси, гап қайси тилда бўлса, уни ўша тил билан янада аниқроқ, равшанроқ қилиб баён қилиш. Бунда Ибн Аббос розияллоҳу анҳу тўғрисида айтилган “إِنَّهُ تَرْجُمَانُ الْقُرْآنِ” “Албатта у Қуръон таржимонидир” жумласини мисол қилиб келтиради.

Учинчиси, гапни бошқа тил билан баён қилиш. “Лисон ул-араб” ва “Ал-Қомус” луғатларида: “Таржимон – бу гапни баён қилувчи, изоҳловчидир дейилган. “Ал-Қомус”га шарҳ ёзган киши эса: “Агар киши ўз сўзини бошқа тилда баён қилса уни таржима қилди ва изоҳлаб баён қилди дейилади,—дейди ал-Жавҳарий.”

Ибн Касир ва ал-Бағвий тафсирида: “таржима” сўзи араб тилида хоҳ бир тил бўлсин, хоҳ ҳар хил тил бўлсин мутлақ “изоҳлаш”, “баён қилиш” маъносида қўлланилади дейилади.



Тўртинчиси, сўзни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш. “Лисон ул-араб”да “Таржимон – бу сўзни таржима қиладиган, яъни бир тилдан ўгирадиган кишидир” дейилади.

“Таржима” деган сўз кенг қўламда қўлланилиши мумкин. Масалан:

تَرْجِمَ لِفُلَانٍ – Фалончини тарихини ёритиб бер, تَرْجِمَ لِهَذَا الْبَابِ بِكَذَا – Бу бобга шундай деб ном бер, تَرْجِمَ حَيَاتَهُ – Ҳаётида нима бўлиб ўтганини баён қилиб бер, تَرْجِمَهُ هَذَا الْبَابِ كَذَا – Бу бобнинг таржимаси мана шундай, яъни бу бобдан кўзланган мақсаднинг баёни мана шундай ва ҳоказо.

Инсонларнинг умумий тушунчасига кўра “таржима” сўзи “сўзни бир тилдан иккинчи бир бошқа тилга ўгириш. Бунинг маъноси сўзнинг маъносини бошқа тилда бошқа бир сўз билан унинг барча мақсадларию маъноларига хиёнат қилмаган ҳолда ифодалаб беришдир.”³

Таржима турлари

Умумий маънода таржима қилишнинг ўзи икки қисмга бўлинади:

а) Сўзма-сўз таржима.

б) Изоҳли таржима (бадий ёки тафсирий таржима).

Сўзма-сўз таржимада тузилишида ҳам тартибида ҳам айнан аслиятдагининг ўзидай бўлишига эътибор қаратилади. Баъзилар бундай таржимани лафзий таржима, баъзилар эса тенг таржима ҳам дейишади.

Изоҳли таржимада эса тузилиши ва тартибларига эътибор берилмайди. Бунда муҳими маъноларни гўзал тарзда тасвирлаш, кўзланган мақсадларни тўлиқ етказиб бериш. Шунинг учун ҳам бундай таржима маънавий таржима деб ҳам номланади.

³ الشيخ حسن ايوب "الحديث في علوم القرآن و الحديث" القاهرة دار السلام 2004 م الصفحة-89



Чунки, маънавий ва улардан кўзланган мақсадларни гўзал тарзда тасвирлашнинг ўзи таржимани изоҳга ўхшатиб қўяди. Лекин бу таржима изоҳ эмас.

Сўзма-сўз таржима қилувчи таржимон аслиятдагининг ҳар бир сўзига эътибор қаратади, сўнг кейинги тилда унга мос келадиган сўзни топиб уни айнан ўша сўз турган жойга қўяди. Гарчи бу нарсаси аслиятдагидан кўзланган мақсаднинг очилмай қолиб кетишига сабаб бўлса ҳам. Чунки, икки тилда сўзнинг қўлланиш ўринлари турлича бўлиши мумкин.

Изоҳли таржима қилаётган таржимон эса аслиятдан келиб чиқаётган маънога эътибор қаратади, уни тушуниб, сўнг уни аслиятдагида кўзланган мақсадга мувофиқ тарзда бир қолибга солади. Бундай ҳолатда у ҳар бир сўзга тўхталиб, бирини ўрнига бошқасини алмаштириб ўзини қийнамайди.”⁴

Таржима учун зарур бўлган жиҳатлар

“Таржима хоҳ сўзма-сўз бўлсин, хоҳ изоҳли бўлсин, таржиманинг маъносини мутлақ юзага чиқариш учун тўрт нарсанинг албатта бўлиши лозимдир.

Булар:

1. Таржимоннинг иккала тилнинг ҳам, аслиятдагини ҳам, таржима қилинаётган тилнинг ҳам ҳолатларини билиши.
2. Таржимоннинг иккала тилнинг ҳам услубларини ва хусусиятларини билиши.
3. Таржимон аслиятдагининг барча маъноларига ва мақсадларига вафо қилган ҳолда хиёнат қилмай таржима қилиши.
4. Таржима аслиятдагидан батамом мустақил бўлиши. Шу даражадаки, таржимани ўқиганда аслиятга эҳтиёж сезилмасин, уни ўрнини боса олсин.”⁵

⁴ الشيخ حسن ايوب "الحديث في علوم القرآن و الحديث" القاهرة دار السلام 2004 م الصفحة-90

⁵ الشيخ حسن ايوب "الحديث في علوم القرآن و الحديث" القاهرة دار السلام 2004 م الصفحة-90



Мана, араб тилида таржима деган сўзнинг ўзи нимаю, улар таржима жараёнида қандай шартларни қўйиши ва нималарга эътибор беришлари тўғрисида ҳам бироз бўлса-да, шайх Ҳасан Муҳаммад Айюб томонидан келтирилган маълумотлардан ҳам хабардор бўлдик.

Маълумки, Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан Муҳаммад пайғамбарга 22 йил (ҳижрий йил ҳисобида 23 йил) мобайнида сура, оят тарзида элчи фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали илоҳий ваҳий сифатида, араб тилида, оғзаки нозил қилинган.

Пайғамбаримиз қирқ ёшга тўлганларида Маккадаги Ҳиро ғорида (Маккадан беш чақирим) бир гўша топиб, чилла турар ва чуқур тааммулга берилардилар. Айтишларича, Иброҳим алайҳиссаломнинг пайғамбарлик башорати келгунча қилган ибодатлари ҳам шу йўсинда бошланган экан.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам 610 йили Рамазони шариф ойида душанба куни одатдагидек мазкур гўшага – Ҳиро ғорида ибодат қилаётган пайтларида Аллоҳ таоло Жаброил фаришта орқали пайғамбарлик башоратини юборди. Жаброил фаришта келиб: “Эй Муҳаммад, мен Жаброилман, сен эса Аллоҳнинг элчисисан”, – дедилар. Кейин Аллоҳнинг ҳузуридан олиб келган беш оятни Пайғамбаримизга ўқиб бердилар. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи нозил бўлган оятлар Қуръони каримнинг “Алақ” сурасидан беш оят, 18 та калима эди. Унда Аллоҳ шундай хитоб қилган:

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ {1} خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ {2}

اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ {3} الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ {4} عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ {5}

“(Эй, Муҳаммад,) барча мавжудотни яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган зотдир.



*Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз инсониятга қалам билан ёзишни ўргатган зотдир. У Зот инсонга билмаган нарсаларини ўргатди.*⁶

Қуръон сўзига қуйидагича таъриф берилади ”Буйруқ майлидаги “икроъ”– “Ўқи!”, “қироат қил!” маъносидаги сўз билан бошланган бу илоҳий дастурнинг номи “ўқимоқ”, “қироат қилмоқ” маъносини англатувчи масдар “қуръон” бўлиб қолди .

Луғат илми мутахассислари “Қуръон” лафзининг “ўқимоқ”, “қироат қилмоқ”дан бошқа, “жамлаш” маъносини ҳам борлигини таъкидлайдилар. Бунда Аллоҳ таолонинг охирги каломи ўзидан олдин нозил бўлган барча илоҳий китобларнинг маъно, ҳикмат ва аҳкомларини ўзида жамлаганига ишорат бордир.”⁷

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Salomov G‘aybullat. Tarjima tashvishlari. “G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at” nashriyoti. Toshkent, 1983.
2. Mansur Abdulaziz. Qur‘oni Karim ma‘nolarining tarjimasi. “Sharq”. Toshkent, 2001.
3. Hasan Botirbek. Qur‘on-i Karim so‘zlarining arabcha-o‘zbekcha ko‘rsatkichli lug‘ati. “G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at” . Toshkent, 1995.
4. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 3 jild. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”. Toshkent-2007
5. AN-NAIM. Arabcha-o‘zbekcha lug‘at. Tashkent. 2003.

⁶ Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент, 2006. – Б. 15.

⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад. Ҳадис ва ҳаёт 30 жуз. “Шарқ” нашриёти. Тошкент, 2007. – Б. 8.